# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил 9 апрел

14(43)- сон

## АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ

Муаррих Тожиддин Салмоний Соҳибқирон бобомизга бағишланган китобини ёзилиши сабаби ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: «Қадимгилар ҳаётида ибратли ҳикматлар бордир, улар ҳаёти билан танишмоқ орқали ўгитлар олинур. Бу ўгитларни билмоқ инсон жонига қон қўшмоқдай гап. Зеро тарих, Исонинг нафаси каби, ҳукмдорларнинг номларини жонлантирувчи бир мўъжиза, тарихни билиш эса камол соҳибларининг кўнглини ранжу аламлардан поклайдиган маънавий калитдир».

Қўлимизга буюк маънавий калит тутқазган донишманд боболаримиз бугунги шукуҳли ва осуда кунларда ёнимизда яшаётгандай, истиқлол берган саодатга шерик бўлаётгандай, мустақиллик ва озодлигимизга заррача хавфу хатар пайдо бўлганда эса маслаҳату насиҳатлари билан мадад бераётгандай. Улар олис ўтмишдан туриб, бугунги наслларга масъуллик, сабр-тоқат тилаётгандай, ҳушёрликка чорлаётгандай. Айниқса, Россия думасида рўй бераётган собиқ империяни тиклашга қаратилган уринишлар гоҳ Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган Шайх Нажмиддин Кубронинг: «Алданишдан эҳтиёт бўлинг!» — деган ҳайқириғини, гоҳ ҳазрат Навоийнинг олтин қафас ҳақида битилган сатрларини, гоҳ Исмоилбекнинг: «Етар энди, бировларнинг сарқитлари билан кифояланмоқ, етар энди бировларнинг фикр-интилишлари билан қаноатланмоқ», — деган изтиробли нидосини, гоҳ юракларимизни умид билан тўлдирувчи: «Улуғ вазифалардан ва улуғ интилишлардан қўрқманг! Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларга етказади» — деган хитобларни эшитгандай бўламан.

Бу хитоблар орасида буюк Соҳибқироннинг залворли овозини эшитаман: «Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп зийрак ва хушёр бўлинг! Фақат ўгитларимга ва тузукларимга содиқ қолсангиз, уларга амал қилсангиз, юксалгайсиз!»

Соҳибқирон васиятларини қайта-қайта ўқийман, тузукларини такрор-такрор варақлайман. Бобомерос уч сабоқ онгу шууримни қамрайди — ўйлайман, мушоҳада қиламан.

Биринчи сабоқ: истиқлол ва озодлик хусусидаги ўгитлардир. Ўсмирлик ва йигитлик орасидаёқ кураш майдонига отилган Темурбекнинг ягона мақсади «душман қўлида хўрланган мамлакатни қатлу ғоратдан қутқариб қолиш» эди. Бобомизнинг эрксизлик ва мутеълик ҳақидаги тасаввурини билиш учун бир тарихий далилга мурожаат қилайлик: Соҳибқирон она юртини раҳмсиз душманга ташлаб қочаётган Ҳусайннинг «Ортиқ бардош беришга мажол қолмади. Хотин, бола-чақаларни Жайхун сувидан нарига ўтказмоқ лозим, токи баякбор бу мамлакатни тарк этайлик ва ўз жонимизни қутқариш чорасини кўрайлик» — деган сўзини эшитгач, шундай дейди: «Беномуслик билан кечирилган ҳаёт қадрсиздир ва пушаймон билан зое кетган умрни қайтариб бўлмайди. Мен қоламан ва лашкар тўплаб, мўғул билан жангу жадал қиламан!».

Англаган бўлсангиз, бобомиз бировларга тобеъ бўлиб яшамоқни, эрксизликни беномуслик демоқдалар. Оғир синов палласида яқинлашиб келаётган келажакнинг ойдин шуурини кўришдан ожиз, куртлаган ғояларга қўл-оёғини тушовлаб берган кимсалар беномуслик йўлидан кетаётганларини англармиканлар?!

Буюк Соҳибқирон бутун ҳаёти ва фаолияти мобайнида мустақилликни ва озодликни мамлакат ва тараққиёт таянчи деб билди. Ўлими олдидан эса фарзандларига, улар орқали сизу бизга ҳам асрлар оша васият қилди: «Миллат саодатини сақламоқ, миллат дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздур». Миллатнинг саодати — истиқлол ва озодликдир, миллатнинг дардига дармон бўлмоқ эса адолатли бўлмоқдир.

Иккинчи сабоқ: адолат ҳақидаги ўгитлардир. Соҳибқирон йигитлик айёмида эрк ва истиқлол жангига киришган кунлар баёнида ёзадилар: «Мўғул қўшини устидан ғалаба қилганимдан кейин, салтанатни ўз тасарруфимга олгудек бўлсам, АДОЛАТ билан ҳукмронлик қилишга азму жазм этдим...». Йигитлик палласидаёқ унинг фаҳму фаросатида улуғ пири Зайнуддин Тайободий тилидан айтилган «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди» ҳикмати жой бўлди. Бу ҳикматни қуруқ шиор эмас, амалий фаолият учун асос деб билган Амир Темур салтанат муҳрини «Куч адолатдадур» битиги билан зийнатлади ва салтанат адолатли бўлиши учун раият аҳволидан огоҳ бўлди, улуғларни оға, кичикларни фарзанд қаторида кўрди. Адолат барқарор бўлиши учун у энг аввало қонунлар ҳукмронлигини ўрнатишни бош мақсад деб билди: «Тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин (қоида — тартиб) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади ёхуд касу нокас тап тортмай кириб-чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».

Амир Темур тузукларида адолат тушунчаси уч асосга эга.: Биринчи асос: аҳолининг турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш. Иккинчи асос: аҳолининг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда, кишиларни хизматга тайёрлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятлардан келиб чиқиш. Адолатнинг учинчи асоси эса барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизматига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратишдан иборат. Бундай адолат моҳиятида «тинчлик — осойишталик», «ободлик-тўклик», тенглик» тушунчалари ҳам яширин.

Бобомиз сабоғидан хулоса шуки, адолат ғояси ҳар бир инсонга раҳбардан тортиб оддий фуқарогача бирдек хос бўлганда, ҳар бир инсон бу ғоя тантанасини ҳар қадамда ва ҳамма вақт ҳис этиб тургандагина мамлакат тараққий этиши, мустақиллик ва озодлик учун қизғинлик билан курашмоғи, шу йўлда керак бўлса жонини ҳам фидо этмоғи, Ватан равнақига тўсиқ бўлаётган ҳар қандай иллатга қарши муросасиз бўлиши мумкин. Адолат барқарор жойда «Ватан» географик ҳудуд тушунчасидан маънавий тушунчага, ватанпарварлик эса мавҳум тушунчадан ватанда яшовчи ҳар бир инсоннинг бахту-саодатига хизмат қилувчи фаолиятига айланади. Айниқса, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётган паллада адолатнинг жамиятда қандай ўрин тутиши кишилар онгини белгилашда жуда муҳим бўлади.

Учинчи сабоқ: тадбиркор бўлиш хусусидаги ўгитлар. Айтиш жоизки, биз назарда тутган «тадбиркор» тушунчаси бугун урф бўлган «бизнесмен» маъносида эмас. Биз нимани назарда тутганимизни, Соҳибқироннинг ушбу сўзларидан билиб оласиз: «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг марта тадбирсиз лоқайд кишилардан яхшидир». Амир Темур назарида тадбиркор инсон кўпчилик бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни уддабуронлик ва узоқни кўра билиш билан осонлаштиради, агар давлат ишларида жумбоқ учраса, ақлу-фаросатни ишлатиб уни ҳал қилади, бир тўғри тадбир қўллаб, муросаю мадора, хушмуомалалик билан одамларни бирлаштиради.

Мустабид тузум даврида ўлкамиз халқини иложи борича битта соҳага ихтисослаштириш, масалан, фақат пахтачилик билан машҳур қилиш, маънавият ва мафкура соҳасида эса битта партияни ҳукмрон бўлиши, миллионлаб одамларни ҳукмрон партия ғоясига кўркўрона ишонтиришга уриниш сиёсати юргизилади. Бу аслида халқларнинг ижодкорлик ва ташаббускорлик руҳини сўндиришга қаратилган сиёсат эди. Ҳар бир халқ тараққиёти учун зарур ихтисослашув жараёнига тўсқинлик қилган халқларни миллий онг ва тафаккурини тушовлаган, жаҳолат билан йўғрилган бундай сиёсат юргизган тузум энг аввало ўз илдизларига болта ураётганидан бехабар эди. Мустабид тузум ўз инқирозини ўзи тайёрлади. Донишманд боболардан бири айтганидек, «Қайси салтанатда зулму бедодлик олий даражасига етдими, унга завол ҳамроҳ бўлади».

Зўравонликда қурилган тузум инқирозга юз тутишини, истиқлол келишини донишманд боболаримиз олдиндан билишган.

Бугун боболаримиз башорат ва орзу қилган кунларда яшамоқдамиз. Кўнглимиз, онгу тафаккуримиз аждодларимизнинг маънавияти билан ёришган. Улуғ Соҳибқироннинг номи ёд, руҳи шод этилаётган кунларда бобомерос ишонч билан келажакка талпинамиз.

**Хуршид ДАВРОН**



**Қизлар гўзал ҳаёси билан**

## «МТ»: воқеалар, хабарлар

### ОТ КИШНАЙДИ ОҚШОМЛАР

«Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да!..»

Бундай ўтли, дилтортар мисраларни битган ёзувчи Тоғай Муроднинг она юрти Сурхонда, вилоят отчопари базасида от спорти бўйича болалар ва ўсмирлар мактаби очилди. Тўғри, ҳозирча кўп эмас, ўттиздан ортиқроқ ёш чавандоз машғулотларга қатнашишмоқда, холос. Аммо гап сонда эмас. Илло, Тарлон сингари сара отлар, яна Т. Мурод таъбирига қайтадиган бўлсак, «чавандоз ақл заковатидан... қалб кўридан бино бўлади».

### «САҲРОЛАРДА ОЧАЖАКСАН КОН»

Эҳтимол, юртимизда саҳролар қолмагандир, уларнинг барчаси «қўриқ ер» сифатида аллақачон ўзлаштирилиб юборилгандир, аммо конлар бисёрлиги айни ҳақиқат. Буни кечаги якшанба куни ўз касб байрамларини нишонлаган геологларимиз яна бир бор қайд этиб ўтишди.

Шуниси эътиборга моликки, мамлакатимиз фойдали қазилма бойликларининг айрим турлари захираси, уларни қазиб чиқариш ва ҳаттоки қайта ишлаш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллаб турибди. Бунинг устига толмас геологларимиз ўзлари топган кўплаб янги конлардан самарали фойдаланиш учун истиқболли лойиҳалар тайёрлашиб, бу соҳанинг етакчи вакиллари бўлган бир қанча хорижий фирмалар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик шартномаларини ҳам имзоладилар.

### ТАМОЙИЛ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Зарур дори-дармон қидириб аптекама-аптека зир югуришлар, таниш-билишларни ишга солишлар ёхуд чайқов бозорига сарғайиб боришлар даври ортга қайтмас бўлиб ўтиб кетди, шекилли. Бугун қаёққа қараманг — дорихона; яна денг, истаган дорингизни зумда муҳайё қилишади, фақат пулига чидасангиз бас. Бу томонда радио-телевидение соат сайин дориларни реклама қилишдан чарчамайди.

Ишқилиб, мўллик бўлгани яхши-да. Демак, бу соҳада бозор иқтисодининг асосий хусусияти бўлган талаб ва таклиф тамойилига амал қилина бошланганга ўхшайди. Энди бемор ёинки харидор дори дармону хапдориларни «чертиб-чертиб», танлаб-танлаб ола бошлади, аввало уларни чиқарган мамлакат ва фирма билан қизиқа бошлади.

Шу жиҳатдан ўтган ҳафта пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш — 96» дори-дармонлар ва тиббий асбоблар халқаро кўргазма ўтказилганлиги айни муддао бўлди. Унда жаҳоннинг йигирмадан ошиқ мамлакатидан 130 дан ортиқ фирмалар вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, «Тибмаҳсулот» бирлашмаси ва «Ай-Ти-И» компанияси ташкил этган ушбу кўргазмада республикамизда дори-дармонлар ва замонавий тиббий асбоблар етказиб бериш тўғрисида бир қанча шартнома ҳамда битимлар имзоланди.

## БЕБАҲО НЕЪМАТ — ҲУРРИЯТ

Биз ота-боболаримиздан эшитган эдикки, собиқ шўро давлатининг тоталитар тузуми зулмидан Афғонистонга қочиб борганлар. Бунга диний қадриятлар, асрлар давомида амал қилиб келган расм-русумлар оёқ ости қилингани сабаб бўлган. Кўплаб ёзувчилар, олимлар, дин намояндалари Ўзбекистонда бегона тузум юритган адолатсиз сиёсат қурбони бўлдилар. Ўзбекистон тарихида шундай мудҳиш саҳифалар борлигини тарихий ҳақиқатлар очила бошлаганидан кейингина теран англай бошладик.

Мен жаҳон миқёсида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга қизиқар эдим. Шунинг учун ҳам Қобул дорилфунунининг журналистика факултетига ўқишга кирдим. Бизнинг дорилфунунда жаҳон давлатлари тарихи, жумладан, собиқ Совет Иттифоқи тарихи ҳам атрофлича ўрганилар эди. Факултетни битиргандан кейин Қобул радиосида ишладим. Хизмат юзасидан Ғарб давлатларида, мустақил давлатларда бўлиб, эмин-эркин ривожланаётганликларининг гувоҳи бўлдим.

1978 йилда Афғонистонда Саур инқилоби ё бошқача қилиб айтганда, Саур фожиаси рўй берди. Ота-боболаримиздан биз Ўктабр инқилоби фожиаларини эшитган эдик. Ана шундай фожиаларни Саур тўнтариши оқибатида биз, афғон халқи ҳам бошдан кечирдик. Жуда кўп қадриятларимиз оёқости бўлгач, кўплаб кишиларимиз, фуқароларимиз Ғарб мамлакатларидан бошпана топдилар. Мен тақдиримдан миннатдорманки, Ўзбекистон мустақил бўлгач, она юртимга қайтиб келдим. Фарғона вилоятида яшаб келаётган амакиларим, аммаларимни кўриб жуда хурсанд бўлдим.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан буён ўтган салкам беш йил мобайнида рўй бераётган ютуқлар, янгиланишлар гувоҳи бўлиб, кўзларим қувонч ёшлари билан тўлади. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи бугунги кунда БМТда ҳилпираб турибди. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бормоқда. Мамлакат халқининг ҳаёти ҳам юртбоши Ислом Каримовнинг раҳбарлиги, оқилона сиёсати натижасида тинчлик-эминликда кечмоқда. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, ўзбек халқи яна кимгадир тобе бўлиши учун мустақил ва озод бўлмади. Балки бизнинг озодлигимиз келажаги буюк давлат қуришга мўлжалланган ҳақиқий умумхалқ мустақиллигидир. Халқаро миқёсда тан олинаётган тадбиркор зот таъкидлаганидек, бу диёрни келажаги порлоқлигига, буюклигига бизлар ҳам астойдил ишонамиз. Бу борада бизлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг байроғи замин узра мангу ҳилпирайверсин.

Кейинги пайтда Россия думасида йиғилганлар асоссиз даъволар билан чиқаётганлиги бевосита бизларни ҳам, жаҳондаги барча эрксевар халқларни ҳам ташвишга солмоқдадир. Россия коммунистларининг қайтадан собиқ Иттифоқни тиклашга уринишлари беҳуда уринишдир. Улар чучварани хом санамоқдалар. Жаҳон миқёсида совуқ уруш қайтадан авж олишига йўл қўйиб бўлмайди. Жаноб Зюгановнинг даъватига қўшиладиганларда ватанпарварлик ҳиссиёти йўқ. Мутафаккир шоиримиз айтганидай: Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондай ошён бўлмас. Яъни дунёда инсон эрки, инсон озодлигидан юксак ютуқ йўқ ва бўлмайди ҳам. Шунинг учун ҳам коммунист хаёлпарастларнинг ниятлари пуч. Бошқа нарса эмас.

Коммунистик тузум аралашиши оқибатида Афғонистонда 18 йилдан буён биродаркушлик уруши давом этиб келмоқда. Собиқ Совет Иттифоқи ўз вақтида ҳамма нарсани қуроллантирди. Бунинг оқибатида Афғонистонда 2 миллион киши қурбон бўлди, ватан вайронага айланди. Қанча кишилар сарсон-саргардон юрибдилар. Бу Афғонистон фожиаси собиқ коммунистик тузум қилган қонли ишларнинг бир мисоли холос.

Журналист сифатида айтмоқчиманки, собиқ Совет Иттифоқи барҳам топди ва бундан буён ғайриқонуний тузум тикланишига жаҳон аҳли ҳам тамомила қаршидирлар.

**Доктор Файзулла АЙМОК,**
**афғон журналисти**

## ШАРҚОНА УЙҒУНЛИК

Қўҳна Шарқ халқлари маданияти ва санъати азал-азалдан бир-бирига яқин ва тушунарли бўлиб келган; улар баайни улкан чинор шохлари янглиғ бир бақувват илдизга бориб бирлашадилар.

4-6 апрел кунлари пойтахтимиздаги Киночилар уйида кўпчилик юртдошларимизда, мамлакатимиздаги хорижий элчихоналар вакилларида катта қизиқиш уйғотган яхши бир кўргазма бўлиб ўтди. Эрон Ислом Республикасининг республикамиздаги элчихонаси матбуот ва маданият бўлими ҳамда Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада Эрон наққошлик, китобат, ҳаттотлик, рангтасвир, мўъжаз тасвир санъатининг нодир намуналари, халқ ҳунармандларининг моҳирона ишланган маҳсулотлари намойиш этилди.

— Ўзбекистон ва Эрон муштарак тарихга эга, — дейди биз билан суҳбатда элчихонанинг матбуот ва маданият бўлими мудири жаноб Меҳроб Ражабий. — Таассуфки, кўп йиллар мобайнида орага қўйилган сунъий тўсиқлар оқибати ўлароқ халқларимиз бир-бирининг маданияти ва санъатидан ғофил ҳолда юришди. Мақсадимиз руҳан яқин халқларимизнинг бир-бирини янада теранроқ англашга кўмаклашиш. Ахир, меҳр — кўзда, деб бежиз айтишмайди-ку. Шу мақсадда таникли олимлар, мутахассислар иштирокида қизиқарли давра суҳбатлари ўтказдик.

Кўргазмада Эрон маданияти ва санъатининг деярли ўн асрлик тарихи ўз аксини топган. Унда тилла суви югуртирилиб, ғоят нафис ишланган табаррук Қуръони карим саҳифалари фотонусхаларидан тортиб, улуғ мусаввир Беҳзод қилқалами теккан «Шоҳнома» китобига қадар учратиш мумкин. Шунингдек, замонавий Эрон хаттотлик санъатининг йирик намоёндаси Саид Ҳасан Мирхонийнинг гўзал араб ҳарфларини мукаммал санъат даражасида қоғозга туширгани кишини ҳайратга солади.

Уста Оға Мирийнинг пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар ҳаётига бағишланган туркум расмлари, Муҳаммад Али Завиёнинг мўъжаз рангтасвирлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма залининг ўзида Эроннинг бугунги ҳаёти, тарихи билан яқиндан танишишни истовчилар учун видеофильмлар намойиш этилиб турилди.

Кўргазмада айниқса китоб нашри санъати намуналари эътиборни жалб қилади. Умар Хайём рубоийлари, Ҳожи Кирмоний ғазалиёти, Боботоҳир Урённинг куллиётига ишланган нафис безаклар камалак ранглари янглиғ товланиб турибди.

Кўргазма ташкилотчиларининг нияти катта. Энди улар кўргазмани янада бойитган ҳолда республикамиз вилоятларида, биринчи навбатда эса Оролбўйи минтақасида намойиш этишмоқчи.

**ГУЛЧЕҲРА**

## НАЖОТ — МУСТАҚИЛЛИКДА

Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини биз эски ақидапарастларнинг босинқириқ тушига ўхшатгимиз келади.

Бир қараганда, олис шимолда ўтириб тақдиримиз устидан ўқилган ҳукмни эшитиш биз учун янгилик эмас. Биз бир неча ўн йиллар давомида шундай яшадик. Биз учун қонунлар яратдилар, Қомуслар туздилар, қандай яшаш ва фикрлашни ўргатиб келдилар. Жигаримиз пестисид заҳридан зардобга тўлди, кўксимизга ханжар тираб юрагимиздаги эрк гавҳарини ёриб олдилар, кўзимизнинг ўтини олиб, бизни муте ва қарам авомга айлантирмоқчи бўлдилар. У йиллар хотираси — қуллик хотираси — қалбимиздаги қонталаш жароҳат. Россия Давлат Думасининг қарори ўша жароҳатга тегиб ўтди. Биз эндигина оғир қишдан баҳорга чиққан кишининг кайфиятига кира бошладик, атрофимиздаги кенгликни ҳис этаяпмиз, юрагимизда ҳам шу кенглик. Йиллар давомида юракка кўмилиб димиққан сўзларимиз озодликка чиқаяпти. Сохта шиорларга ишониб етмиш йил яшаб кўрдик. Қоғоздагина қолиб кетган «Миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини» ҳам кўрдик. Она тилимизнинг давлат минбаридан мутлақо четлатиб ташланганлиги, меҳнаткаш халқимизга «боқимонда» деб тамға урилганида дилимиз абгор бўлгани эсимиздан чиққани йўқ. Юртимизнинг жондай фарзандлари қабрини топтаб, оёқости қилганлар ҳам собиқ коммунистлар экани элга аён-ку!

Биз уйқудан уйғонган халқмиз. Юрагимизда пўртана ураётган ҳурлик мавжларини эшита бошладик. Кўзимиз очилди. Буюк тарихимиздан онгимизга илоҳий нур тушди. Умид, Нажот ёнди дилимизда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқида ҳилпираётган байроғимиз берди бизга бу Умидни. Кунба-кун кўзимизга қувонч, кўнглимизга далда бўлиб очилаётган янги-янги конларимиз тақдирнинг бизга инояти эмасми? Агар биз Озодликка раво кўрилмаган кимсалар бўлсак, мустақилликнинг бешинчи йилидаёқ ўз машиналаримизни яратармидик.

Болаларимиз шу қисқа фурсатда жаҳоннинг «мана-ман» деган давлатларига бориб, бир умр эрк ичида яшаган тенгдошлари билан ҳадиксирамай, бемалол тиллаша олармиди?!

Биз Озодликка ҳуқуқли халқмиз.

Бизнинг ота-боболаримиз озод яшаган. Ҳеч қачон ҳеч кимдан ҳеч нарса қарз олмаган ўзига бек, тожу тахтига ярашиқли бўлганларнинг илдиздошларимиз.

Улар қўли, қалбидаги истеъдоди, салоҳияти билан Ғарбу Шарққа ҳайрату ҳавас бўлган буюк салтанат яратиб қолдирганлар. Бугун ҳам биз ўзимизга ишонамиз.

Дунёда яна бир ҳақиқат борки, ҳеч ким бировнинг уйида тартиб ўрната олмайди, етмасини етказа, битмасини битказа олмайди. Ҳар ким ўз бошидаги қорни ўзи курайди.

Шу маънода собиқ Шўро иттифоқи давлатларидаги бугунги муаммоларни ўша давлатнинг ўзи ечади.

Биз ҳам бир осмон остида, бир замин устида биз билан бирга яшаётган бирорта миллатни камситмаган ҳолда ўзимизни ҳам ҳеч кимдан кам ҳисобламаймиз. Бу — бир қадар қийин кунлар ўтади, биз ана шу қийин кунларни ҳам севамиз, қадрлаймиз, чунки у бизнинг озод кунларимиз. Дунёда аёлчалик озодликка ташна жон бормикан?! Чунки аёл қул бўлса бу руҳ фарзандига сингади, оиласи руҳиятига сингади. Она эса ўз боласига — бошини тик тутган боласи, бош паноҳига суяниб яшагиси келади. У шундан бахтиёр.

Биз ёркин фикрли, жасоратли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ортга қайтар кўприклар ёқиб юборилган», деган шиддатли хулосаларини ҳар кун ҳар лаҳза такрорлагимиз келади. Бу метин иродали юртбошимиз шижоатидан ҳар бир Ўзбекистон фуқароси куч-қувват олса арзийди деймиз.

Биз муҳтарам Президентимизнинг Россия президенти Б. Н. Елцинга йўллаган мактублари мазмунини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Биз бугун ҳам, эрта ҳам, тирикликда қанча насибамиз бўлса, бу насибамизнинг барча-барча фурсатларида ўзимизни Озодлик лашкарлари деб ҳисоблаймиз. Қарамлик, қулликдан нафратланамиз. Россия Давлат Думасининг 15 мартдаги қарори озод мустақил Ўзбекистонга мутлақо дахли йўқ деб ҳисоблаймиз!!!

*Қайтар кўприклар-ку*
*ёнгани ҳақ рост,*
*Ким ул зимистонни*
*соғинган зоғлар?*
*Ақлу тафаккурга*
*солиб гулдурос,*
*Истиқлол! Бонг*
*уринг ҳур қўнғироқлар!*

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Кутби НОСИРОВА,**
**Кутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Шарифа САЛИМОВА,**
**Фароғат КАМОЛ,**
**Ҳалима АҲМАД,**
**Саломат ВАФО,**
**Хосият БОБОМУРОДОВА**

## ОРҚАГА ҚАЙТМАС ДАМЛАР

***Айни кунларда қайдаки тўрт одамнинг боши қовушса бас, гап ўз-ўзидан сиёсатга бориб тақалмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Амалпараст Россия коммунистлари собиқ СССРни тиклаш йўлида жон-жаҳдлари ила ҳаракат қила-қила, алал-оқибат Думада ўзларига мақбул тарзда қарор қабул қилишга эришдилар. Ўтган жума куни эса Москвада Белоруссия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон президентлари «чуқур интегратсия» борасидаги аҳдлашувга имзо чекдилар. Буларнинг бари, ўз-ўзидан аён, ҳар бир фуқародан ўз муносабатини билдиришни тақозо этади.***

***Биз шу хусусда турли касбдаги айрим мухлисларимиз билан бевосита мулоқотда бўлдик, баъзи бирлари билан эса сим орқали боғландик.***

**Муҳиддин ЎРОЗОВ,**
**Тошкент шаҳридаги 37-поликлиника шифокори:**

— Тиббиёт аҳли орасида азалдан «Касални даволагандан кўра унинг олдини олган мақбул», деган гап юради. Дарҳақиқат, шундай. Мустабид тузум тарафдорлари бўлган коммунистларнинг ўқтин-ўқтин бош кўтариб туриши ҳам (ГКЧП воқеаларини, октябр тўполонларини эсланг) хасталикдай, талвасадай гап. Шундай экан, бунинг олдини олишнинг ягона чора-тадбири, фикримча, битта — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш. Агар, таъбир жоиз бўлса, истиқлолимизни эркин парвоз қилаётган қушга менгзасак, унинг бир қаноти иқтисодий мустақиллик, иккинчиси эса маънавий. Маънавий мустақиллик эса барчамизнинг онг ва тафакуримиздаги, қалбимиздаги ўзгаришлар билан белгиланади. Яъни элим, юртим деб ёниб-куйиб яшаётган ватанпарвар миллатдошларимиз сафи қанчалик кенгайса, биз ўз ўтмишимизни холис баҳолаб, камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, келажагимиз буюк бўлмоғи учун қанчалик жон куйдириб, фидокорона меҳнат қилсак — шунчалик маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб, барча синовлардан шараф билан ўта оламиз.

Шу ўринда ҳурматли Президентимизнинг ЎзА мухбири билан қилган суҳбатидаги қуйидаги қимматли мулоҳазага эътиборингизни яна бир бор жалб этсам дегандим: «Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас».

**Ҳолиёр ДОНИЁРОВ,**
**Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани ҳокими ўринбосари:**

— Ҳеч бир халқ алоҳида иҳоталанган ҳудудда ривожлана олмайди. Бугунги кундаги миграция жараёнлари, дунёнинг энг илғор технологиялари, фан-техника янгиликлари кириб келишидан мамлакатни ҳаттоки маҳобатли «хитой девори» ҳам қутқариб қололмайди.

Аммо, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, «интеграция оқилона бўлмоғи лозим». «Улуғ оға»нинг қош-қовоғига қараб ўтирадиган замонлар эса аллақачон ортга қайтмас бўлиб ўтиб кетди.

«Мустақилликнинг нони ширин, меҳнати аччиқ бўлади», дея тез-тез такрорлаб турадиган ҳокимимиз, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Абдураззоқ Қаюмов бошқараётган туманимизда бугунги кунда Италия билан қўшма корхонамиз ишлаб турибди, олис Мажористондан келган деҳқонлар арпа экишмоқда, далаларимизда АҚШ тракторлари ишламоқда, тез кунларда Хитой билан қўшма корхонамиз ишга тушади...

Демак, ишласа, чақирилмаган «ҳомий»ларнинг далдасини кутмасдан ҳам иқтисодни кўтарса бўлар экан. Истиқлол бизнинг қалбимизда мана шу ишончни, эътиқодни тирилтирди. Энди орқага йўл йўқ!

**Г. МУРОДАЛИЕВА**
**ёзиб олди**

# ИСТИҚЛОЛ УЧУН

Ҳалқимиз истиқлолни қўлга киритгач, бамисоли қафасдан чиққан қушдек эркин нафас оладиган, эркин ҳатти-ҳаракат қиладиган бўлди. Мўъжиза рўй берди. Мамлакатимиз қаддини ростлади, жаҳонга чиқди. Ўзбекона урф-одатларимиз, расм-русумларимиз қайта тикланди. Диний ва миллий байрамларимизни бемалол нишонлайдиган бўлдик. Миллий ғурур ўсмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти кўтарилиш босқичига кирди. Булар, албатта юртимизнинг бойлиги, халқимизнинг сабр-тоқатли, босиқ, юксак маданияти-ю ўта меҳнаткашлигидандир. Эндиликда халқимиз ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини яхши билади. Шу боис шонли Ватанимизни яшнатиш учун бор имкониятларини ишга солмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб мамлакатимиз газ, нефт каби халқ хўжалиги учун зарур воситалар билан ўзини ўзи таъминлай олади. Ғалла мустақиллигига ҳам тўла эришиш арафасида турибмиз. Бизнинг пахтага эса шоир айтганидек, «жаҳон мунтазир». Ўзаро «ур-йиқитлар» авж олган айрим ерлардан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда осойишталик ҳукмрон. Тинч меҳнат, қурилишу ижодкорлик авжида. Шундай экан, келажакка комил ишонч билан қараш учун ҳамма асослар бор.

Мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида бундай шитоб билан обрў-эътибор қозонаётганидан дўстларимиз қувонмоқдалар. Бироқ ғанимларнинг гоҳ ошкора, гоҳ хуфёна куйиб-ёнаётганлари ҳам ҳақиқат. Айниқса, собиқ СССР даврида эрк-ихтиёримизни қўлларида сақлаганларга алам қилмоқда. Улар яна ўша ўзларига мақбул ҳолатни тиклаш учун курашмоқдалар. Бир томонда ленинчилар коммунистик тузум ниқоби остида яна ҳокимиятни қўлга олиб, халқларни қуллик асоратига солишга уриниб турган бир пайтда Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия президентлари «чуқур интегратсия» ҳақидаги битимга имзо чекдилар. Сиртдан қараганда бу гўё мамлакатларни бир-бири билан ўзаро яқинлаштиргандек. Бироқ унинг оқибати 20-йилларда тузилган собиқ ССР Иттифоқига ўхшаб қолмайди, деб ким кафолат бера олади? Ўшанда ҳам худди шундай бўлган эди. Дастлаб «тенг ҳуқуқли республикалар Иттифоқи» деб номланган бу кўзбўямачилик охири нима билан тугаганлиги ҳаммага беш қўлдек аён.

Ўзбекистонимиз ҳам гарчи оғизда тенглар ичра тенг деб юритилган бўлса ҳам, аслида инон-ихтиёридан айрилган эди. Буни исботлаш учун исталганча далиллар келтириш мумкин. Ҳақиқий ҳукмронлар ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларимиз, иқтисодиётимиз жиловини ҳам қўлларига олиб, хоҳлаган мақомларига йўрғалатар эдилар. Чет элга чиқмоқчи бўлсак, минг чиғириқдан ўтказиб, хоҳласалар рухсат берардилар, хоҳламасалар йўқ. Миллий маросимлар, байрамларимизни ўтказиб балога қолардик. Иқтисодий соҳада ҳам қарам эдик. Ер ости ва ер усти бойликларимиз ҳам ўша ҳукмронлар қўлида эди. Яна уларнинг ноғораларига ўйнашга кимнинг хоҳиши бор? Биз учун миллий давлатимиздан юқори турадиган ҳар қандай «иттифоқ» у «Евроосиё» деб номланадими, «Федератсия» ёки «конфедератсия» деб номланадими, барибир ноқонунийдир ва халқимиз уларда қатнашмайди.

Ўзини ўзи бошқаришга кўзи етмайдиган, ўз кучига, ўз халқига ишонмайдиганларга нима ҳам дердик. Уларнинг ишини келажакда тарих баҳолайди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятида сўзлаган нутқидан тўлқинланиб кетдим. Шундай халқпарвар, ватанпарвар юртбошимиз бор экан, ҳеч қачон халқимизнинг қадди букилмайди, энди ҳеч кимга қул бўлмайди, деб ишонч билдирдим. Халқимиз Ислом Каримовни юртбоши этиб сайлаб хато қилмаган экан. Ватанимиз тақдирини унга топшириб янглишмаган экан, деган хулосага келдим ва мустақиллигимизнинг ўтган йилларига бир назар ташладим.

Тан олиб айтайлик, халқимиз жипслашди, бир ёқадан бош чиқариб, истиқлолимизни мустаҳкамлашга қатъий киришди. Эркин, ҳуқуқий давлат қуриш сари шахдам одим ташлади.

Биз бундан кейин ҳам дунёдаги халқлар билан, жумладан, собиқ Совет Иттифоқидаги қардош халқлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга, ўзаро тенг манфаатли иқтисодий интегратсияни кучайтиришга ҳамиша тайёрмиз. Жаҳонга чиқиш йўлларимизни кенгайтириш чораларини кўришимизни ҳаёт тақозо этмоқда. Бу йўлда жон фидо қилган аждодларимиз руҳи бизни қўллайди.

**Мурод КАЛОНХОН**

# ОРҚАГА ҚАЙТАДИГАНЛАРДАН ЭМАСМИЗ!

Ҳурматли муҳаррир!

Бир қанча рўзномалар билан бир ёқадан бош чиқариб «МТ» ҳам миллий тикланишимиз учун долзарб сиёсий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида мунтазам ёритиб бораётгани кўплаб газетхонлар қатори мени ҳам руҳлантириб, хурсанд этади. Шу боис бўлиб турган воқеаларга ўз шахсий муносабатимни билдиргим келади.

Мустақилликка чиққан барча халқлар баробар рад этмоқдалар тоталитар тузум ва унинг мустабид давлатини: энди бундай хаёлпарастликлар беҳуда! Ҳар бир Мустақил давлат энди ўз йўлидан боради, ўз тақдирини ўзи қуради, бошқа йўл йўқ!

Русиядаги коммунист жаноблар «дўстлик», «интегратсия» деганда нимани назарда тутишлари энди кўпчиликка аён. Улар яна йўқотган майдонлари ва мансабларини «эгаллашни» истайдилар.

Биз ҳақиқий ҳамкорликни жуда баланд қадрлаймиз. Лекин улар «дўстлик» деганда нимани тушунишларини англатиш учун битта мисол келтирай.

Ёрдам шундай бўладими? — деб ҳалигача ўйланамиз. Коммунист жанобларни шундай ишларни, хумори тутаяпти-да!

Бироқ қафасдан қутулган ҳар қуш яна қайтиб қафасга кириб бўпти!

Бизда энди қанча ўзгаришлар бўлиб кетди: Бир неча ўн мамлакатнинг ваколатхоналари очилди. БМТга аъзомиз. Мустақиллик бахтига эришганмиз. Ким ўз давлатини бузиб, очилган улуғ имконини қўлдан бериб ўтирар экан? Худога шукурким, ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов халққа чин йўлбошчи бўлиб, энг ҳалол, одил йўлдан бормоқда. Биз мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир бешикдаги чақалоғимиздан тортиб, то қариларимизгача мустақил Ватанимизни, Эркимизни кўзга суртиб, асраб, тобора камол топтириб, олға бораверамиз, орқага қайтадиганлардан эмасмиз!

**Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ**



ДИЙДОРЛАШУВ

# СЕВГИМ — ЎЗБЕКИСТОН

Тарих Ўзбекистонни худди эртакларда бўлгани каби бир неча йиллардир Қоф тоғининг ортига яширишга ҳаракат қилмасин, бу муаззам диёр кун сайин дунё сари кўпроқ очилиб бормоқда. У Осиёнинг ушбу давр илми, технологияси ва тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда бу борада зўр жидду жаҳд билан ҳаракат қилаётган маданий марказ бўлишга интилмоқда.

Вақт келурки, бутун дунё бундай гўзал ўлкани кечроқ танимоқда бўлганлиги ёки илгари унга етарлича диққат кўзи билан боқмаганлиги учун таассуфланур.

Мозийга назар ташлайлик:

Маълумки, ўз даврининг академиги, Қори Ниёзийнинг 1955 йилда чиққан «Ўзбекистон маданияти тарихи» асарини ҳамда 1955-1956 йилларда босилган «Ўзбекистон ССР тарихи» номли китобни кўпчилик ўқиган.

Лекин бу манбаларда ҳам бошқа кўпчилик асарларда бўлгани каби, совет ҳокимияти мафкурасига мос тарзда ҳодисаларнинг асл моҳиятини бузиш, ўзгартириш ва ҳатто тан олмаслик йўлидан борилгани маълумдир.

Туркистон диёри барча туркий халқларнинг юраги мисолидадир. Қуллик ва мустамлака сиёсатини тақдир деб билган ва бунга кўникиб кетган мазлум халқларга Миллий Озодлик Ҳаракатини[1] намуна қилиб кўрсатган Мустафо Камол Отатурк, мустақил Туркистонга ишора қилиб: «Шарқдан чиқаётган қуёшга қаранг, Бугун тонгнинг оқаришини қандай кўраётган бўлсам, бутун Шарқ халқларини ҳам уйғонажакларини шундай тасаввур қиламан. Истиқлоли ва ҳурриятига эриша олган жуда кўп қардош халқлар бордир. Уларнинг қайтадан туғилиши, шубҳасизки, тараққиёт ва фароғат ичида яшаш йўли билан қарор топади. Бу халқлар бутун қийинчилик ва қаршиликларга қарамасдан албатта ғолиб чиқадилар, уларни кутган истиқболга эришадилар», деган эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳар биримизга тақдим этилган ноёб инъомдир. Бунинг аксини тасаввур қилиб бўлмайди: Туркийлар дунёси ҳеч қачон қуллик занжирида яшаши мумкин эмас.

Туркиянинг Москвадаги собиқ элчиси Сайфуллоҳ Эсиннинг рафиқаси Эмол Эсиннинг бу ўлкаларга қилган 15 кунлик сафари давомидаги кузатиш ва таассуротлари 1955 йилда «Туркистон саёҳатномаси» номи билан нашр қилинган эди.

Муаллиф Регистон ва Улуғбек мадрасасини томоша қилар экан, онасининг бир романидаги бош қаҳрамон Ойдемирни эслаганини қайд этади. Ўша роман қаҳрамони Ойдемир бир қанча вақт Улуғбек мадрасасида яшаб, сўнгра Регистонда кўз юмган эди.

Рус олими В. Бартолд «Инжил»да тилга олинган «жаннат» деганда аслида Туркистондаги Мурғоб ҳавзаси назарда тутилган бўлса керак деб тахмин қилган эди.

Бошқа рус олими, инсониятнинг илк маданият ўчоғи Туркистонда қурилганлигини тасдиқловчи жуда кўп далилларга мурожаат этади.

Туркистон тили Ўрхун-Энасой обидаларида, «Девону луғотит-турк», «Қутадғу билиг» каби ҳозиргача қимматини йўқотмаган асарларда мукаммал акс этмоқда. Алишер Навоийнинг тили ҳеч қачон бошқа бир тил таъсирида ундан орқада қолиб кетмаслиги керак. Чунки у доим тараққиёт этувчи жонли тилдир. Шу маънода кези келганда, Исмоил Гаспиралининг сайъ-ҳаракатларини эслатиб ўтиш жоиздир.

Бартолд, Мушкетов, Федченко каби олимлар Туркистон миллий борлиғи мелодий сана бошларидагина бунёд этилганлигини гапирганлар. Лекин Ўрхун обидалари тилининг нозиклигига диққат қилинса, бугунги Туркистон миллий борлиғининг милодий сана бошида эмас, ундан бир неча минг йил олдин маълум тизим ҳолида шаклланганлигининг шоҳиди бўласиз.

Эмол Эсиннинг таъкидлашича, қадимги эртаклар, қўшиқлар ҳозиргача бу халқларнинг ижодидан ўчиб кетмаган. Лекин яқин ўтмишда уларнинг бир қисми коммунизм мафкураси манфаатларига мослаштирилган, диний унсурлар таъқиқланган, сосиал синфлар орасида айирмалар вужудга келтирилган, охир-оқибат ҳамма нарсани қориштириб юбориш мўлжалланган эди.

Машҳур олим Ҳерман Вамбери, Бухорони «ислом минтақасининг Рими» деб ёзган эди. Бу ҳақиқатни кашф этган Вамбери қанчалар бахтиёр инсон!

Туркистон деганда, кўз ўнгимизга дарҳол Аҳмад Яссавий келади. Осиёнинг Юнус Эмроси, кўнгиллар дўсти, севги меъмори...

Ўтмиш ибратга тўла... Янги кун эса ўтмишдан чиқади ва турли таҳдидлардан қўрқмай нурли келажак сари боради.

Шундай улуғ ва интиҳосиз маданий-маънавий меросга ворис бўлган ўзбеклар ва Ўзбекистон яна кимгадир қарам бўлсинми? Яна кимларнингдир хоҳиш-иродаси, ҳукм-фармойишига тобе бўлиб ўтирсинми? Бу ҳеч ақлга тўғри келадими? Эндиликда бўйинтуруқ иладиган замонлар қайтмас бўлиб ўтиб кетади. Биз Президент Ислом Каримов жанобларининг жаҳон билан ҳамкорлик ҳақидаги беш буюк принсипини маъқуллаймиз. Ишонаманки, бу сиёсатни бутун дунё қўллаб-қувватлайди.

**Ҳусайн ЖАЙЛОН,**
**Низомий номидаги Давлат педагогика институти ўқитувчиси, Туркия фуқароси**

---

**Изоҳ:**

**1** —***Туркиядаги ушбу асрнинг 20-йилларида бўлиб ўтган миллий Озодлик Ҳаракати назарда тутилмоқда.***

*Қадрим булоқлари*

# ҚОДИРИЙ БОҒИ СИР-СИНОАТЛАРИ

1928 йилда комфирқанинг «За партию» журналида М. Шевардиннинг «Ўтган кунлар» ҳақидаги тақризи босилди. Унда: «Мафкуран Қодирий романи — илк ўзбек романи — бизники эмас» — дея имонсизлик билан хулоса чиқарилди. Бу каттаю кичик шўрочилар, фирқа мафкурасига алоқадор кишилар қулоғига қўрғошиндай жойлашди. «Бизники эмас» деган коммунистик ҳукм Қодирийнинг ўзга асарларига, унинг ўзига ҳам қўлланила бошланди. «Бизники эмас!» Бу коммунистик ҳукм XX аср ўзбек санъати ва адабиётининг шўрига айланди.

Йиллар ўтди. Қиличдан қон томган неча-неча ҳукмдорлар йўқ бўлди. Аммо «бизники эмас» дейилган шайтоний ҳукм-хулоса сотсиализм, фирқа фуқаролари, ҳукумат қонунлари таркибида яшаб қолаверди. Ўнлаб тадқиқотчилар Абдулла Қодирий асарларини холис ният билан таҳлил-талқин қилишга киришдилар. Лекин уларнинг деярли ҳаммалари қайсидир ўринда, қандайдир йўллар билан «бизники эмас»га яқинроқ фикрни ўз хоҳиш-истакларига зид ҳолда қистириб, сингдириб кетишга мажбур бўлдилар. Шўро мустабид тузуми тугади. Комфирқанинг адабиёт соҳасидаги сиёсати, сотсреализм методи ҳам барҳам топди.

XXI аср бўсағасида санъаткор Абдулла Қодирийнинг иккинчи умри бошланяпти. Бу умр хайрли, файзли бўлишини орзу қиламиз. Йилнинг қандай келиши кўкламдан билинади деган гап бор. Санъаткор Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида М. Қўшжоновнинг «Ўзбекнинг ўзлиги», У. Норматовнинг «Қодирий боғи» асарлари яратилдики, уларни янгича руҳдаги холис, нафис тадқиқотларнинг бойчечаги, дейиш мумкин.

Умарали Норматов ўз тадқиқотини пурмаъно ном билан атади — «Қодирий боғи» (Тошкент, «Ёзувчи», 1995).

Ростданам, Абдулла Қодирий боғбон боласи эди: ўзи ҳам жаннатдай боғ яратди. Аммо замона зайли билан у яратган боққа бойўғли қўнди — дов-дарахтлар қуриди, экинзору гулзорлар макруҳ ҳайвонлар томонидан поймол қилинди.

Ёзувчи боғидаги энг адл, ям-яшил, серҳосил дарахт бир бадкирдор томонидан заққум дейилди, заҳарлашидан, ўлат юқтиришидан огоҳлантирилди. Шўро ҳукумати, коммунистик мафкура бу «хавфли дарахт» — боғдан халқни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Турфа хил жарчилар: «А. Қодирий, боғи гўзал, нафис, тароватли, аммо, огоҳ бўлинг, у заҳарланган, хавфли», — деб турищдан ўзларини тия олмадилар. Санъат асари, бадиий олам мангулик йўлидан собитқадамла илгарилаётган карвон, мисоли. Итлар ҳураверади, карвон ўтаверади. Шу қонуниятни аллақачон кашф этганлар. Фалсафа — нафосатшуносликда онтология номли таълимот бор. У бадиий асар, тирик мавжудот сингари ўсиб-ўзгариб, яшаб, курашиб бориш қобилиятига эгалигини илмий тасдиқлайди. Биз бадиий асар, санъаткор яратган бадиий олам адабий баҳслар, илмий-назарий тортишувлар сабабчиси бўлганлигини кўрсатувчи кўплаб мисоларни келтира оламиз. Аммо, афсуски, ҳануз адабиётшунослик фанимизда, адабий-танқидий фаолиятимизда онтология деган атамани учратмаймиз. Шўро ҳукмронлиги даврида бизда Қодирийни бошқача талқин қилдилар. Капиталистик дунёда бошқача шарҳладилар. Ҳозир янги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги А. Қодирий оламига янги ракурсдан ёндошяптики, бу ҳам онтология таълимотининг кўринишидир.

Бадиий оламни холис баҳолашнинг асосий шарти шуки, уни тўлиқ, бир бутун ҳолда олмоқ лозим. Ўзбек шўро адабиётшунослигида А. Қодирий ижоди бўлиб-бўлиб — ёзувчи романлари; ёзувчи қиссаси; ёзувчи публитсистикаси; образлари, асарлари тили; ижодининг эволютсияси; А. Қодирий ижодий методи тарзида ўрганилди. У. Норматов А. Қодирийнинг илк асаридан сўнгги асаригача қамраб олган. А. Қодирий ижоди ҳақида ўзбек адабиётшунослари ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзганлар. «Қодирий боғи»нинг муаллифи бу асарларни синчиклаб ўрганган, ўзига ёққан мақолалардаги фикрларни давом эттирган, айрим қарашларга салбий муносабатини билдирган. У. Норматов ўрни-ўрни билан А. Қодирий асарларини рус, жаҳон адабиёти намуналари билан солиштиради. Аммо бу йўналишни у чуқурлаштирмайди. Фикримизча, А. Қодирийни жаҳон адабиётига теран сингдириш учун қиёсий, типологик талқинни кучайтириш зарур. Жаҳон адабиёти билан чуқур таниша бошлашимиз билан адабиётшунослигимиздаги қиёсий, типологик, функсионал талқинлар жонлана боради. У. Норматов асарида А. Қодирий эстетикасига бағишланган махсус боб бор. Санъаткор ижодининг илдиз масаласини қўя билиш — тадқиқотчи шижоатидир. Адиб эстетикаси реализм масаласидан, ҳақиқатга садоқатдан, холис тасвирдан, тарих ҳақиқатидан келтириб чиқарилади. Тадқиқотчи адиб эстетикасини унинг мақолаларидан, адабий баҳсларидан, асарларидаги, холис, самимийликдан излайди. У ўз қарашларини исботлаш учун бир гуруҳ танқидчилар билан баҳслашади, бир гуруҳ тадқиқотчилар ишларида олға сурилган фикрларга қўшилади. Хуллас, адиб эстетикаси ҳақидаги боб, романлар, қисса таҳлилига бағишланган қисмлар сингари, китобхонни бефарқ қолдирмайди. Лекин мен бир нарсага қаттиқ ишонаманки, А. Қодирий эстетикаси ҳақида XXI асрда кўп, ҳар хил, назарий-фалсафий, теран мулоҳазалар айтилади. Адабий метод ҳақида адабиётшунослик кўп янгиликлар яратди. Сотсреализм ҳақидаги назарий қарашлар қумга қурилган қасрдай қулади. Аммо реализм методи, ҳаётни ҳаққоний акс эттириш ҳақида файласуфлар, нафосатшунослар, адабиётшунослар кўп нодир қарашларни илгари сурдилар. Реализм ҳақида бундан кейин ҳам кўп тадқиқотлар яратилади. Лекин метод ҳақидаги фикрларни ифодалаш тарзи, шакли ўзгаради. Адабиётшунослик, танқидчилик асарларида бадиий талқин, илмий ёндашув йўллари кўпаяди. Биз талқин, таҳлил йўсинларини топганимиз, қўллаганимиз сайин реализм ҳақидаги қарашларимиз кенгаяверади. Бадиий асарнинг ғояси бошдаги қалпоқ, бўйиндаги бўйинбоқ сингари кўзга ташланиб туриши мумкин эмас. У бадиий образ, топилма, воситалар заминида акс этмоғи керак деймиз. Худди шунингдек, бадиий асардаги реализмни кўр-кўрона излайверишимиз, ана ҳақиқат, ана холислик деяверишимиз шарт эмас. Асарни муаммолар қўйиб, турли ракурслардан гўзал, мантиқли таҳлил қилсак, реализм соф олтин, булоқ сувидай юзага чиқаверади. Марксча-ленинча таълимот, дунёқарашни тарғиб қилувчилар санъат назариясига салбий таъсир ўтказдилар. XX асрда реализм, айниқса, сотсреализм мафкура, сиёсат, ижтимоий буюртма ўлчови, газчўпига айланиб қолди. Адабиётшунос ёхуд танқидчи шу газчўпдан чапдастлик билан фойдаланувчи кимсага айланди. XX асрда метод газчўпининг шакли ўзгарди, моҳият деярли ўзгармади. Вулгар сотсиологизмнинг газчўпи йўнилмаган, тиконли уртўқмоқ эди, мисоли. Сотсреализм методи газчўпнинг шакл-шамойилини ўзгартирди, моҳият аввалгисидан ҳам бадтар бўлди. Сотсреализм газчўпи санъаткор эркини йўққа чиқараёзди, санъаткорни комфирқа мафкурасининг дастёрига айлантирди. Бадиий асарнинг сотсреализмга қай даражада тааллуқлигини белгилаган мутахассис партиявийлик, сотсиалистик мазмун, марксча дунёқараш масалаларигагина асосий диққатини йўналтирди. Асримизнинг 70-йилларида Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш асосан унинг ижодий атрофида давом этди. Бир гуруҳ адабиётшунослар улуғ санъаткор асарларини реализм (танқидий реализм) газчўпи билан ўлчаган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар сотсреализм газчўпи А. Қодирий ижодини ўлчашда мос келишини исботлашга киришдилар. Афсуски, ҳамон адабиётшунос, танқидчиларимиз қўлидан метод газчўпи тушгани йўқ. «Қодирий боғи»нинг муаллифи ҳам асосан реализм ва унинг хусусиятлари қай даражада акс этганига кўра А. Қодирий меросини баҳолайди, эстетик принсипларини намоён этмоқчи бўлади. Мен бадиий ижодда метод масаласига зинҳор қарши эмасман. Лекин талқин, таҳлилда фақат «метод, метод» дейилаверишга қўшилмайман. Ҳақиқий санъаткор асар ёзаётганида метод устида бош қотириб ўтирмайди: у қалбини, борлиғини ифодалайди.

Абдулла Қодирий асарларини оҳанг, уйғунлик нуқтаи назаридан ёритиш, унда сўзларнинг сеҳрли, жозибали «ҳаёти, ҳаракати»ни кузатиш пайти яқинлашяпти. Ҳар қандай боғнинг таровати, хушбўй иси, мусаффо ҳавоси, оқаётган сувнинг шилдираши, қушларнинг турфа хил сайраши, дов-дарахтнинг ўзига хос файзи, гўзаллиги кишини ром этади. Бошқача айтганда, боғнинг тирик мавжудот сифатида яшаётганилигини, бошқа боғлардан фарқланувчи бетакрор томонларини кўра олсакгина, унинг боғлар ичра қадр-қимматини топган бўламиз.

Шўро адабиётшунослари метод ҳақида ёзадиларми, характер ҳақида тадқиқот яратадиларми, масаланинг ижтимоий томонига урғуни кучайтирдилар. Ваҳоланки, бадиий метод, характер муаммолари бетакрор, ўзига хос инсон масаласини ёритишни тақозо қилади. Инсоннинг ўзлиги, бетакрор оламлиги теран талқин қилинса, сотсреализм методи «ишлашдан тўхтарди», унинг сунъийлиги билиниб қоларди. Ҳозир адабиётшунослар сотсреализм ўрнига реализм терминини қўллаяптилар. Лекин реализм ижтимоийликни қандай эъзозласа, бетакрор, ўзига хос инсонни шунча юксак кўтаришига аҳамият бермаяптилар. Фикримизча, «Ўтган кунлар»даги ижтимоий масалаларни характерларни талқин қилиш орқали ёритиш мумкин. Романдаги ижтимоий масалаларни ўз ҳолича, характерлар талқинидан келиб чиқмасдан ўрганиш мумкин эмас.

Бадиий асардаги характер, тип ҳақида гап бошладикми, яна бир масалага эътибор берайлик. Бадиий асардаги ҳикоячи муаллифнинг ўзими? «Ўтган кунлар», «Меҳробдан-чаён»да ҳикоячи-муаллиф образи бор. Лекин уни зинҳор ўз дунёси, санъаткорлик олами, шахсий дард-армонлари бор Абдулла Қодирий билан алмаштириш керак эмас. Тўғри, романда Раъно портретини чизиш, яна баъзи масалаларда Абдулла Қодирий кўринади. Лекин романлардаги муаллиф-ҳикоячи билан Абдулла Қодирийни аралаштириш зинҳор мумкин эмас. Ҳар икки романда ёзувчининг ўз дард-армонлари, муносабатлари акс этган. Лекин уларни роман сатрлари орасидан, сўзларга юклатилган маънолар қатламидан топиш мумкин. «Қодирий боғи»да муаллиф образи билан асл А. Қодирий фарқ қилинмайди. Мана шу ҳол жуда кўп англашилмовчиликларни келтириб чиқарган. Муаллиф образи ва асл муаллиф — бадиий талқин муаммоларидан биридир.

«Қодирий боғи» тадқиқотида, хусусан «Адиб қисмати» бобида Абдулла Қодирийнинг ижтимоий-сиёсий позитсияси тасвирида изчиллик, қатъий бир йўналиш сезилмайди. Маълумки, Абдулла Қодирий Октябр тўнтариши рўй берганда 23 ёшдаги оқ-қорани обдон ажратиб олган, характери шаклланган, жадидчилик ҳаракатига онгли равишда қўшилган, миллат равнақи йўлидаги тўсиқларга қарши курашишга тайёр, иймон-эътиқоди мустаҳкам инсон эди. Қолаверса, Абдулла Қодирий, жамики ақлли-хушли, фикрлайдиган туркистонлилар қатори, комиссар-коммунистларнинг олиб бораётган ўйин-сиёсатларини кўриб билиб турди. Абдулла Қодирий босиқ, сабр-қаноатли, узоқни кўриб иш тутадиган инсон эди. Лўнда қилиб айтганда, Абдулла Қодирий ҳайрату ҳаяжонга берилиб кетаверадиган, бугун айтган гапию қилган ишидан эртага тониб кўя қоладиган бурдсиз одам эмас эди. Умарали Норматов Абдулла Қодирий мақолаларидан мисоллар келтириб, ёзувчининг Октябр инқилобига садоқатини, болшевикларга хайрихоҳлигини исботлайди. Бир мақоласида Абдулла Қодирий: «Мени бойлар, эшонлар кўролмас эдилар, чунки мен уларни ишчи тилидан чиққан ва сирларини очқувчи душманлари эдим...» (29-бет) деган экан. «Қодирий боғи»да А. Қодирийнинг 1926 йилдаги қамоққа олинганидан кейинги суддаги сўзи келтирилади. Чиндан ҳам, ёзувчи Маркс-Лениннинг ҳароратли шогирди эканлигини, Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомланганлигини айтади. Лекин унинг бу гапларини «виждон, имон, эътиқод иқрорномаси» (30-бет) деб қараш тўғри бўлармикан? Ёзувчининг «Суддаги нутқи»даги гапларни «мустаҳкам имон-эътиқод, катта ақл-заковат, зўр мантиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ҳаққўйлик, мардона бир шижоат» (38-бет) дейишга мен қўшила олмайман. А. Қодирий ноҳақ қамалганлигини, янги тузум миллат ҳақиқатини оёқости қилаётганини кўра-била туриб, шу тузумга, унинг раҳбарларига, ғоявий устунларига ҳамд-сано айтиши мантиқданми? Абдулла Қодирий «Таржимаи ҳол»ида: «Кейинги кунларда нодонлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб Масковга ўқишга кетдим. Мақсадим, уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлинмак эди...» деб ёзади. Бу гапларни У. Норматов «...ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан, билимга, маърифатга чанқоқ одамнинг дил сўзлари, орзу ниятлари» (46-бет) деб талқин қилади. Ваҳоланки, 1923-24 йилларда ҳар хил баҳонаи сабаблар билан Мунавварқори қамоққа олинади, Чўлпон, Фитрат, Мағжон Жумабой ўз юртидан четга чиқарилади. Аҳмад Заки Валидий хорижга кетади. Бошқача айтганда, Шўро ҳукумати, коммунистик мафкура 1923-24 йилларда эски зиёлилар-миллат таянчларига қарши оғир юриш бошлаган эди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Мунавварқори, Мағжон Жумабой сингарилар 13-14 йил давомида, 1937 йилда қамоққа олингунларича пичоқсиз сўйилдилар, маънавий-руҳий қийноққа гирифтор қилиндилар. Ваҳоланки, Шўро ҳукумати, коммунистик мафкура ижодкорларга ғамхўрлик қилаётганини, уларни ҳамиша рағбатлантираётганлигини пеш қилиб турди, жадид ёзувчиларни советни тан олдиришга уринди. Бошнинг ёриғи эса бўрк ичида қолаверди. Таъқиб қилинаётганлар оғзилари тўла қонни душманлари олдида тупурмадилар.

Сезиб турибман, «Абдулла Қодирий ўз мақолаларида ёлғон гапларни ёзганми, унинг табиатига мунофиқлик ёт эди», деган таъна-дашномлар айтилади. Абдулла Қодирий ўта покиза, виждонли инсон, санъаткор эди. Аммо замон, тузум унга вафо қилмади. Халқда муросаи мадора, «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган нақл бор. Абдулла Қодирий қалбини, покиза эътиқодини унинг асарлари тўқимасидан, ҳужайраларидан изламоқ жоиздир.

«Қодирий боғи»да «Ўтган кунлар», «Обид кетмон» қиссалари кенг, ишонарли таҳлил қилинган. Айниқса, «Обид кетмон» муносабати билан М. Шолохов, А. Платонов асарларидаги масала-моҳиятнинг тилга олиниши ўринлидир. Йўл-йўлакай айтиб ўтмоқчиман, негадир У. Норматов «Обид кетмон»ни роман дейдилар. А. Қодирий фарзандларини 4 та деб, бешинчи фарзанди — Анисани унутиб қолдирадилар.

«Қодирий боғи»нинг хотимаси сифатида У. Норматовнинг 5-6 йил муқаддам ёзилган «Фиғон» мақоласи берилган. Жиддий, асосли асарга монанд хулоса ясалиши жоиз эди. «Фиғон» нега муносиб хулоса эмас? Биринчидан, «Фиғон» Ҳабибулла Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира-қиссасига ўз даврида ёзилган тақриз. Ҳабибулла Қодирий — ота ўғил, А. Қодирий шаъни учун курашган фидойи инсон. Унинг «Отам ҳақида» асари А. Қодирий ҳасби ҳолини, асарларининг яратилиши тарихини билишда қимматли манба. «Қодирийнинг сўнгги кунлари» — Ҳабибулла Қодирийнинг ота ҳасби ҳолини ўрганиш йўлидаги босқичлардан бири — хотира қиссаси. Умарали Норматов қиссага ҳадан зиёда баҳо беради. Муҳими, ёзувчининг ҳис-ҳаяжони мунаққидни жўштириб, ҳайратлантириб юборади. Мана шу туйғу натижасида тақризчи «Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Уйғун, Яшин, Ойдин каби адибларнинг улуғ сиймо Қодирийга нисбатан тутган позитсияси»дан (208-бет) тутоқиб кетади. У Ҳ. Қодирий қиссаси ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Холис ва ҳаққоний» (1989 йил, 11 август) мақоласига, бизнинг шу газетада босилган «Ҳужжат ва бадиийлик» (1989 йил, 1 декабр) мақоламизга муносабатини билдиради. Бу муносабатда ўзга, афсус, фикрини уқишга интилиш йўқ. Мунақид ҳис-ҳаяжонга берилиб Ойбек, А. Қаҳҳор, Ғ. Ғулом сингариларни танқид қилиб қўяди-да, сўнг андавалашга киришади. Мана, тақриздан мисолар: «Ҳ. Қодирий бугун ҳаёт бўлганида мен қиссага баъзи тўлдиришлар киритишни, жумладан, Ойбек билан А. Қаҳҳорнинг бир вақтлар йўл қўйган хатоларини тузатиш, қилган гуноҳларини ювиш йўлидаги жасоратларини айтиб ўтишни алоҳида таъкидлашни маслаҳат берган бўлардим» (216-бет). У. Норматов Ҳ. Қодирий қиссасидаги танқидий мулоҳазаларни (Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор ҳақидаги фикрларни — А. Р.) «асарнинг жанр хусусиятлари, муаллифнинг аҳвол-руҳияти» билан оқламоқчи бўлади. «Ҳ. Қодирий ҳам, улуғ адиб Абдулла Қодирий ҳам тирик инсонлар; уларни ҳам инсоний ожизликларидан бутунлай ҳоли идеал шахс деб айта олмаймиз» (214-бет).

Биз ўша мустабид тузум даврида ижод қилган Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон сингари адибларни янгича тушуниш, тузум ва унинг даҳшатли мафкурасини ҳисобга олган ҳолда тушуниш ва талқин қилиш тарафдоримиз. Бунда чала-ярим мулоҳазалар, ҳис-ҳаяжонга берилиб қоралаш ўринсиз. Илмий жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди.

**Абдуғафур РАСУЛОВ**

